



## QAROR - ҚАРОР

2002 йил 21 август

№ 392-Қ

Самарқанд туман Охалик киншлок фуқаролар йиғини Урташик маҳалласи ҳудудида жойлашган савдо дукони ва омборхона бино ва иншоотларига эгаллик қилиш ҳуқуқини фуқаро Рахимов Хазраткул номига берилган тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси» ва «Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси», «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278-сонли «Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк Давлат кадастрини юритиш тўғрисида» ги Қарорига асосланиб ҳамда Самарқанд туман МААқубов кучаси 10-уйда яшовчи фуқаро Рахимов Хазраткулнинг аризаси ҳамда тақдим этилган Самарқанд туман ҳокимининг 1994 йил 5 октябрдаги 363-Қ сонли Қарорига асосан шундан руйхатидан утказилган Самарқанд туман халқ маорифи бўлими қошидаги «Маориф таъмирлаш курилми» корхонасининг қайд қилинган Устави, Самарқанд туман ҳокимининг 1995 йил 2 октябрдаги 388/4-Қ сонли Қарори, Самарқанд туман халқ маорифи бўлими қошидаги «Маориф таъмирлаш курилми» корхонаси меҳнат жамоасининг 2001 йил 15 ноябрдаги 46-сонли талабномаси ва 2001 йил 20 декабрдаги умумий йиғилиш қарори, Самарқанд туман халқ таълими бўлимининг 2002 йил 26 апрелдаги 113-сонли хати ҳамда Самарқанд туман ҳокимининг 2002 йил 1 апрелдаги 152-Қ сонли Қарори ҳамда кўчмас мулк ва ер Давлат кадастр хизмати туман бўлимининг шунга алоқадор ҳужжатларини инобатга олиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Самарқанд туман Охалик киншлок фуқаролар йиғини Урташик маҳалласи ҳудудида жойлашган савдо дукони (қурилми тағдири майдони 76,86 кв.м.) ва омборхона (қурилми тағдири майдон 25,34 кв.м.) бино ва иншоотларига эгаллик қилиш ҳуқуқини фуқаро Рахимов Хазраткул номига берилсин.

Ушбу муносабат билан Самарқанд туман халқ маорифи бўлими қошидаги «Маориф таъмирлаш курилми» корхонасига Самарқанд туман ҳокимининг 1995 йил 2 октябрдаги 388/4-Қ сонли Қарорига асосан ажратилган 0,04 га ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини Рахимов Хазраткул номига утказилсин.

Ушбу муносабат билан ер ресурслари хизмати туман бўлимига (С.Рузиев) туман Давлат ер баҳасига белгиланган узгўштиришлар киритиш топширилсин.

Кўчмас мулк ва ер Давлат кадастр хизмати туман бўлимига (Т.Шарофов) мазкур савдо мажмуи олиш ва иншоотларини давлат руйхатидан утказиш вазифаси топширилсин.

Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг уришбосари Ф.Раджабовга таъминлансин.

Туман ҳокими:

Р.Хайимова